

«INGO-UZBEKISTAN Sug'urta»
Aksiyadorlik Jamiyati
Акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг

2023 йил 22 08 даги 2 -сонли

Йиғилиш баённома қарори билан

ТАСДИҚЛАНГАН

Йиғилиш раиси

Илющенко А.В.



"INGO-UZBEKISTAN Sug'urta"
Aksiyadorlik Jamiyati
УСТАВИ

Тошкент – 2023 йил

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар.....	3
2. Жамиятнинг юридик мақоми, почта манзили ва электрон почта манзили.....	3
3. Жамият фаолиятининг мақсади, предмети ва турлари.....	4
4. Жамият устав фондининг миқдори, уни қўпайтириш ва камайтириш тартиби.....	5
5. Жамиятнинг акциялари, уларнинг номинал қиймати, уларни жойлаштириш тартиби ва эълон қилинган акциялар.....	7
6. Жамият акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	8
7. Жамият фойдасини, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби.....	9
8. Жамиятнинг захира фондини ва бошқа фондларини ташкил этиш тартиби.....	9
9. Жамиятнинг бошқарув органлари.....	10
10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши.....	10
11. Жамият кузатув кенгаши.....	13
12. Жамиятнинг ижроия органи.....	15
13. Жамиятнинг тафтиш комиссияси.....	17
14. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш.....	18
15. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.....	18

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. "INGO-UZBEKISTAN" Суғурта акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонунлари, Фуқаролик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигининг 2005 йил 19 январдаги 1079-сонли Баённомаси билан рўйхатга олинган Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "STANDARD INSURANCE GROUP" Суғурта компанияси Қўшма корхонасини қайта тузиш шаклида қайта ташкил этиш йўли билан тузилган.

1.2. "INGO-UZBEKISTAN" Суғурта акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2008 йил 3 сентябрда 399-сон реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

1.3. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи:
"INGO-UZBEKISTAN Sug'urta " Aksiyadorlik Jamiyati;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган номи:
"INGO-UZBEKISTAN" SAJ;

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ расмий номи:
Страховое акционерное общество "ИНГО-УЗБЕКИСТАН";

Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган номи:
САО "ИНГО-УЗБЕКИСТАН";

Жамиятнинг инглиз тилидаги тўлиқ расмий номи:
"INGO-UZBEKISTAN" Insurance Joint Stock Company;

Жамиятнинг инглиз тилидаги қисқартирилган расмий номи:
"INGO-UZBEKISTAN" IJCS.

2. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ

2.1. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Жамиятнинг хўжалик фаолияти қайси давлатларнинг ҳудудида амалга оширилса, ушбу давлатларнинг қонунчилиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига, шунингдек мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади.

2.2. Жамият ўзининг мустақил балансига ва ҳисобрақамига эга. Жамият белгиланган тартибда миллий ва хорижий валютада банк ҳисобварақларини очишга ҳақли.

2.3. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалок муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга.

2.4. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.5. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.6. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

2.7. Жамият юридик шахс ҳуқуқини олган шубҳа ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.8. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

2.9. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шубба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномсида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шубба корхоналар, филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, ушбу шубба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Жамиятнинг Кузатув кенгаши тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради.

2.11. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва химоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.12. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

2.13. Жамиятнинг жойлашган жойи ва почта манзили: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 99а-уй.

2.14. Жамиятнинг электрон почта ва веб-сайти манзили: info@ingo.uz, www.ingo.uz.

3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ, ПРЕДМЕТИ ВА ТУРЛАРИ

3.1. Жамият ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва Жамият фаолиятининг мақсади фойда олишдир.

3.2. Суғурта Жамият фаолиятининг асосий туридир: юридик ёки жисмоний шахсларнинг манфаатини улар томонидан туланидиган суғурта мукофотлари (бадаллари)дан шакллантириладиган пул жамғармалари ҳисобига, муайян ходиса (суғурта вазияти) юзага келганда, суғурта шартномасига мувофиқ суғурта копланмаси (суғурта сўммаси)ни тулаб бериш йўли билан химоялаш.

3.3. Жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

– умумий суғурта: умумий суғуртанинг барча турлари (тоифалари)ни тақдим этган ҳолда кушиб, аммо чекламасдан суғурталаш, шу жумладан: мол-мулкни ут-оловдан ва табиий офатлардан суғурталаш, денгиз ва авиация транспортида суғурталаш, ер усти транспорт воситаларида суғурталаш, темирйул ҳаракат таркибини суғурталаш, йулда кетаётган мол-мулкни суғурталаш, мол-мулкни ёнгиндан суғурталаш, мол-мулкни зарардан суғурталаш, автофуқаролик масъулиятини суғурталаш, авиация суғуртаси доирасида масъулиятни суғурталаш, умумий фуқаролик масъулиятини суғурталаш, кредитларни, кафолат (гарантия)ларни суғурталаш, бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурталаш, ҳуқуқий химоя билан боғлиқ харажатларни суғурталаш, бахтсиз ходисалардан суғурталаш, касалликлардан суғурталаш;

- қайта суғурталаш;
- суғурталаш бўйича воситачилик фаолияти;
- қонунчиликка мувофиқ Суғурта фаолиятининг бошқа турлари;
- ташқи иктисодий фаолият;
- инвестиция фаолияти;
- қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси вазифасини бажариш;
- Жамият қонунчилик билан таъқиқланмаган, ва Уставида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

3.4. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари Жамият шундай лицензия олганидан кейин амалга оширилади.

3.5. Суғуртачи фаолиятини амалга оширишда Жамият амалдаги қонунчиликка зид булмаган исталган ҳаракатларни амалга ошириши ва ҳар қандай қарорларни қабул қилишга ҳақли, шу жумладан:

- қонунчиликда белгиланган тартиб ва шартларда суғурталаш (қайта суғурталаш) шартномаларини тузиш;
- белгиланган тартибда, жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўз мажбуриятларини қайта суғурталаш;
- махсус ваколатланган давлат органи томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида инвестиция фаолиятини амалга ошириш;
- суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш;
- махсус ваколатланган давлат органи томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида суғурта вазиятлари юзага келишини олдини олиш ва огохлантириш бўйича чоратадбирларни молиялаш;
- суғуртачи томонидан амалга ошириладиган суғурта турлари бўйича қоида (шарт)ларни, суғурта шартномалари, полислар ва бошқа суғурта ҳужжатларининг типик ва намунавий шакллари, шунингдек, суғурта бадалларининг ва суғурта воситачиларига туланадиган мукофотлар миқдорини белгилаш ва тасдиқлаш, уларни тўғрилаш ва мазмунига қонунчиликка зид келмайдиган ўзгартишлар киритиш;
- суғурта коплами миқдорини аниқлаш учун зарур тегишли ахборот ва ҳужжатларни белгиланган тартибда ҳуқуқ-тартиботни химоя қилиш органлари, судлар, тиббиёт, сейсмологик, ветеринария, гидрометеорология ва бошқа ташкилотлардан суриштириш ва олиш;
- суғурта агентлари, суғурталаш ва қайта суғурталаш брокерлари, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли шартномалар тузиш;
- ўзга, жумладан, хорижий суғуртачиларга авариявий комиссарлик, сюрвейерлик ва аджастерлик хизматларини кўрсатиш;
- суғуртаолди экспертизаси бўйича ишларни бажариш, суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта чикимларини тартибга солиш, суғурта объектлари қийматини аниқлаш ва чиким миқдорини аниқлаш учун ўзбекистонлик ва чет эллик сюрвейерларни, авариявий комиссарларни, лосс-аджастерларни, баҳоловчи компанияларни, аудиторилик компанияларини, адвокатлик фирмаларини, риэлтерлик компанияларини ва бошқа ихтисослашган компанияларни жалб қилиш;
- муқаддам суғуртачи томонидан ўз эҳтиёжлари учун сотиб олинган ёхуд суғурта шартномасини амалга ошириш натижасида унинг ихтиёрига ўтган мол-мулкни сотиш ёки ижарага топшириш;
- суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмалари ва ассоциацияларига кириш;
- ўтказилаётган илмий-амалий конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмаларда иштирок этиш;
- қонунчилик ва тузилган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга.

3.6. Фаолияти мақсадларига еришиш учун Жамият ҳуқуқларни қўлга киритиши, мажбуриятларни бажариши ҳамда амалдаги қонунчилик ва мазкур уставга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

4. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КўПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

4.2. Жамиятнинг устав фонди унинг мол-мулкнинг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди ва 45 212 502 400,0 (қирқ беш миллиард икки юз ўн икки миллион беш юз икки минг тўрт юз) сўми, мос равишда 8 637 507 (саккиз миллион олти юз ўттиз етти минг беш юз етти) Евро 97 евроцентни ташкил этиб, ундан:

- 530 745 000 сўм ёки 381 213,86 Евро Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "STANDARD

INSURANCE GROUP" Суғурта компанияси Қўшма корхонасини давлат рўйхатидан ўтказиш санасида белгиланган, Жамият унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади (бошланғич устав фонди);

- 642 615 000 сўм ёки 338 134,77 Евро Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "STANDARD INSURANCE GROUP" Суғурта компанияси Қўшма корхонасини устав фондиди кўпайтириш муносабати билан қайта давлат рўйхатидан ўтказиш санасида;

- 3 915 685 000 сўм ёки 1 871 975,01 Евро Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича Жамият устав фондиди кўпайтириш муносабати билан Жамият Уставини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш санасида.

- 2 510 955 000 сўм ёки 900 813,65 Евро Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича Жамият устав фондиди кўпайтириш муносабати билан Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида белгиланган.

- 2 280 000 000 сўм ёки 803 125,14 Евро Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича Жамият устав фондиди кўпайтириш муносабати билан Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида белгиланган.

- 5 057 000 000 сўм ёки 1 296 124,95 Евро Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича Жамият устав фондиди кўпайтириш муносабати билан Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида белгиланган.

- 2 000 700 000 сўм ёки 437 895,34 Евро Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича Жамият устав фондиди кўпайтириш муносабати билан Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида белгиланган.

- 13 062 621 000 сўм ёки 1 361 073,91 Евро Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича Жамият устав фондиди кўпайтириш муносабати билан Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида белгиланган.

- 6 201 005 200 сўм ёки 543 400,61 Евро Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича Жамият устав фондиди кўпайтириш муносабати билан Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида белгиланган.

- 9 011 176 200 сўм ёки 703 750,72 Евро Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича Жамият устав фондиди кўпайтириш муносабати билан Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш санасида белгиланган.

4.3. Устав фонди ҳар бирининг номинал қиймати 1 300 (бир минг уч юз) сўм булган 34 778 848 (ўттиз тўрт миллион етти юз етмиш саккиз минг саккиз юз қирқ саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

4.4. Жамиятнинг барча акциялари Жамият таъсисчилари уртасида қуйидаги нисбатда жойлаштирилади:

- АО "ИнВест-Полис" (Россия Федерацияси) – 33 629 848 дона акция ёки 96,70%, номинал қиймати 43 718 802 400 сўм ёки 8 078 369,21 евро эквивалентида;

- "Uzbekistan Airways" АЖ – 574 500 дона акция ёки 1,65%, номинал қиймати 746 850 000,00 сўм, ёки 279 569,38 евро эквивалентида;

- "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ – 574 500 та акция ёки 1,65%, номинал қиймати 746 850 000,00 сўм, ёки 279 569,38 евро эквивалентида.

а) Жамиятнинг Устав фондиди кўпайтириш

4.5. Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.6. Қўшимча акциялар мазкур Уставда белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

4.7. Жамиятнинг устав фондиди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.8. Жамиятнинг устав фондиди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва

имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

4.9. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдоридан рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият Уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

4.10. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

4.11. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.12. Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

4.13. Агар Устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори Жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатдан ўтказиш санасида аниқланадиган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

4.14. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.15. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

5. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

5.1. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – Жамият акциядори деб эътироф этилади.

5.2. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

5.3. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

5.4. Жамият барча акцияларининг номинал қиймати 1 300 (бир минг уч юз) сўм.

5.5. Жамият акцияларни ва акцияларга айрибошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

5.6. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шarti билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

5.7. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

5.8. Жамият жойлаштирган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг сони 298 322 (икки юз тўқсон саккиз минг уч юз

йигирма икки) дона номинал қиймати 1 300 сўм бўлган эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

6. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамиятнинг акциялари эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- инвестиция воситачисидаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;

6.2. Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

6.3. Акциядорнинг меросхўрлари ёхуд юридик шахс ҳисобланадиган акциядорнинг ҳуқуқий ворислари бошқа акциядорларнинг розилигидан катъи назар мулк ҳуқуқи тартибида олаётган акцияларга эгаллик ҳуқуқига эга бўладилар.

6.4. Жамият акциядори Жамият акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш ҳуқуқига эга.

6.5. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

6.6. Жамият томонидан акцияларни жойлаштиришда акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эгадирлар.

6.7. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, Жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқини беради.

6.8. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

6.9. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

6.10. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;
- мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсунуш;
- Жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмаслик.

6.11. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

7. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, Жамият фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

7.2. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

7.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

7.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.5. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

7.7. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.8. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.9. Жамият:

– Жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

– агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

– агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

7.10. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

7.11. Дивидендларни тўлаш тартиби ва меъёрлари ушбу Устав ҳамда Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

8. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Жамият соф фойдаси хисобидан:

➤ Захира Фонди;

➤ Дивидендлар тўлаш фонди;

➤ Жамият Кузатув кенгаши томонидан аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондлар тузилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.3. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.4. Жамият Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорда Жамият захира фонди тузилади.

8.5. Жамият захира Фондига ушбу Уставнинг 8.4. бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5% миқдорида ажратмалар ўтказилади.

8.6. Захира Фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.7. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарори билан Жамиятнинг соф фойдаси ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан ажратмалар ўтказиш йўли билан, Дивиденд тўлаш фонди тузилиши мумкин. Жамиятнинг Дивиденд тўлаш фонди дивидендларни тўлаш учун маблағларни захиралаш ва кейинчалик акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ акциядорларга дивидендларни тўлаб бериш учун мўлжалланади.

9. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

9.1. Жамиятни бошқариш органларига қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг Умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи.

10. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

10.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

10.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши шарт.

10.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг директори билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, Жамиятнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш масалалари ва бошқа масалалар кўриб чиқилади.

10.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

10.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар кирилади:

- а) Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- б) Жамиятни қайта ташкил этиш;
- в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) Жамият Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва компенсациялар тўлаш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

ж) ўз акцияларини олиш;

з) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;

и) Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, Тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ ва компенсациялар тўлаш;

к) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

л) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

м) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;

н) Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

о) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

п) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

р) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

с) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

т) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

у) қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

10.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан ҳал этилмайди, амалдаги қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ, Жамият устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартишлар ва қўшимчаларни Жамият Уставига киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш бундан мустасно.

10.10. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.11. Мазкур Уставнинг 10.7. бандидаги а), б), в), д), н), с), т) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.12. Ушбу Уставнинг 10.7. бандидаги а) ва м) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат Кузатув кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.

10.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

10.14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

10.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 иш куни олдин шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

10.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 кун олдин Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.17. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 60 кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

10.18. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

10.19. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 кун ичида Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

10.20. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

10.21. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

10.22. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктирмай 2 нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

10.23. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низоми билан тартибга солинади.

11. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

11.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

а) жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

б) Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

в) акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

д) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

е) Ушбу Уставнинг 10.7. бандидаги а) ва м) қисмларида кўрсатилган масалаларни ҳал этишни акциядорларнинг Умумий йиғилишига киритиш;

ж) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

з) Жамиятнинг Бош директорини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

и) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

к) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

л) Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

м) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

н) Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

о) Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

п) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

р) Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш (дивиденд тўлаш фондидан ташқари);

с) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

т) Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик Жамиятларини ташкил этиш;

у) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

ф) қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

х) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

ц) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ч) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

ш) қонунчиликка муфовик акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

щ) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

э) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ю) қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

я) аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

аа) битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилинаётган санада битимнинг (хўжалик фаолияти бўйича шартнома ва бошқалар) қиймати 100 000,0 (бир юз минг) АҚШ долларидан ёхуд Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки курси бўйича сўмдаги шу миқдордаги қийматдан ошган битим ёки ўзаро боғланган бир неча битимни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш (суғурталаш, биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш, Жамиятнинг инвестицион фаолияти билан боғлиқ барча битимлар бундан мустасно);

11.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.4. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликда ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

11.5. Жамият бошқаруви аъзолари ва директори Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

11.6. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

11.7. Жамият Кузатув кенгашининг миқдор таркиби 4 (тўрт) кишидан иборат.

11.8. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

11.9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

11.10. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташқил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташқил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

11.11. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

11.12. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Жамият Директори, ички аудит хизматининг бошлиғи, шунингдек мазкур Уставда белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

11.13. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 фоизини ташқил қилади.

11.14. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчилик ва мазкур Уставда Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

11.15. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

11.16. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Жамият Кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

11.17. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

– мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

- қабул қилинган қарорлар.

11.18. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.19. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.20. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

12. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи (Бош директор) томонидан амалга оширилади.

12.2. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув Кенгаши ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

12.3. Жамият Бош директори акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

12.4. Жамият Бош директори Кузатув кенгаши томонидан мазкур Уставда белгиланган тартибда 3 (уч) йиллик муддатга тайинланади (ёлланади).

12.5. Жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

12.6. Жамият ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини тузадилар.

12.7. Жамият Бош директори Жамият Устави ва “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

12.8. Жамият Бош директорининг мажбуриятлари ва ваколатларига қўйидагилар киради:

- ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол – мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;
- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Банкларда ҳисобрақамлар шу жумладан валюта ҳисобрақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади.
- ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолаш ва битимлар тузиш;
- Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- Штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлаш;

➤ Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

➤ Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

➤ Жамият шуъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

➤ Жамиятнинг шуъба корхоналари ва филиаллари раҳбарларини лавозимга тайнлаш ва лавозимдан озод этаиш;

➤ Филиаллар ва ваколатхоналар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес-режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;

➤ Жамият филиаллари ва шуъба корхоналари низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгаритириш ва қўшимчалар киритиш;

➤ Жамият филиаллари ва шуъба корхоналарининг штат жадвалларини тасдиқлаш;

➤ Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

➤ Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

➤ Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

➤ қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

➤ Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;

➤ давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

➤ Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бош директори томонидан белгиланади;

➤ хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

➤ Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

➤ Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

➤ ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йиғилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

➤ Жамият акциядорларининг Умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

➤ ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

➤ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

➤ Жамиятнинг Бош директори, қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12.9. Жамият Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

12.10. Жамият Бош директори қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

12.11. Бош директор томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартлари кўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсаткичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва ўзининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган зарарлари сабабли у билан тузилган шартнома Жамият Кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

12.12. Жамият Бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолда, унинг вазифасини вақтинча бажаришни Жамият Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ тайинланган шахс олиб бориши мумкин.

13. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

13.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 йил муддатга 3 (уч) кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланиши мумкин.

13.2. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айти бир шахс Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет 3 (уч) мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

13.3. Жамият Тафтиш комиссиясининг ваколатлари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав билан белгиланади.

13.4. Жамият Тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

13.5. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

13.6. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

13.7. Жамият Тафтиш комиссиясининг ваколати доирасига қўйидагилар киради:

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича, ўзининг, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёхуд Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра текшириш;

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш;

- Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;

- Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият Кузатув кенгашининг мажлисларини чақирилишини талаб қилиш;

- Тафтиш комиссияси, қонунчилик, ушбу Устав ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин

13.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Тафтиш комиссия хулоса тузади, бу хулосада:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

13.9. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу Уставнинг 13.8. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

14. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

14.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

14.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 – 52 моддалари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 92 – 97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

14.3. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

14.4. Жамият куйидаги ҳолларда тугатилади:

- акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан;

14.5. Жамиятни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 – 56 моддалари, шунингдек “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуннинг 98 – 101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

15. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

15.1. Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамият Уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли Давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

15.2. Жамият Уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, Қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

15.3. Агар мазкур Уставни бирон бир қонунчилик ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

15.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

15.5. Жамиятнинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Жамият акциядорларининг 2022 йил 22 июлдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган Жамият устави ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

«INGO-UZBEKISTAN» SAJ
Бош директори



Гайбуллаев Б.С.

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

GUVOHNOMA



Yuridik shaxs

"INGO-UZBEKISTAN SUG`URTA" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"INGO-UZBEKISTAN SUG`URTA" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

205 349 283

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

19.01.2005

Sana

399

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, YUNUSOBOD TUMANI, МИНОР МФЙ, ШАРОФ РАШИДОВ КУЧАСИ,
99А-УЙ

Tomonidan berilgan:

YUNUSOBOD TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1268753

